



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 апрел, шанба № 57 (889)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НАЗОРАТ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Бойсун тумани ҳокимлигида Республика Президентини фахрлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ва бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш масалалари бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони назорат инспекцияси ва Сурхондарё вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда назорат инспекциялари фаолиятини янада такомиллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб қилиш, соғлиқни сақлаш ва халқ таълимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК»

21 апрел куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви давом этди.

Музокараларда минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Бунда Президентларнинг диққат-эътиборини тортган асосий масала террорчилик, диний экстремизм ҳамда халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш, минтақага таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишдаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўлди.

Музокаралар натижасида иккита ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Қўшма баёноти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга соя солиш учун сўнгги пайтларда атайлаб тарқатилаётган айрим асосиз миш-мишларларга чек қўйса, тўрт мамлакат раҳбарлари имзоланган террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳар қандай ташқи таъсирдан ягона фронт бўлиб ҳимояланиши кўзда тутилди.

Тўрт томонлама битимнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у ўта амалий аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида хавфсизлик борасида бундай ҳужжат илгари қабул қилинмаган. Битим ташқаридан келадиган хавфни бартафоз этишда мамлакатларимизнинг қуқудратини бирлаштириш, тежор чоралар қўриш имкониятларини кенгайтиради. Президент Ислоҳ Каримов учрашув сўнггида



ўтказилган матбуот анжуманида ушбу ҳужжатнинг аҳамиятига тўхталар экан, унинг минтақамиз давлатларига террорчилик, уюшган жиноятчилик, нарқобизнес, ақидадарастлик сингари офатлар таҳдид солиб турган ҳозирги шароитда бир ёқадан бош чиқариб иш қўришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегараларни делимитация қилиш, соддарок айтганда, белгилаш жараёни бошланган. Шу масала билан шуғулланувчи икки томонлама комиссия аввал Остонада, кейин Тошкентда мажлис ўтказди. Иш рисоладагидек кетяпти. Бироқ сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида чегара масаласи бўйича келишмовчиликлар юзга келатгани

ҳақида асосий овозаю мишмишлар пайдо бўла бошлади. Президентлар - Ислоҳ Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг Қўшма баёноти ана шундай ивгогарлик уйилларини уюштирувчи кучларга қарши жиддий зарба бўлди ва ҳар хил миш-мишларга чек қўйди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Президентлар икки кун давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга таълуқли барча масалаларни кўриб чиқди ва энди Қўшма баёноти имзоланганидан кейин бундай гапларга умуман ўрин қолмади.

Матбуот анжуманида, Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқаролари ўзаро борди-келиди қилиши учун энди виза олиши керак бўлармиш, қабилидаги гап-сўзлар шунчаки ўйдирма эканлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ

Каримовнинг айтишича, бундай борди-келиди учун ҳеч қандай виза талаб қилинмайди. Фақат, давлатлараро замонавий муносабатлар таъминлашга қўра, фуқаролар бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтаётганда, чегарада паспорт текшируви ўтказилади. Мантқан олиб қаралганда ҳам, бир давлатдан иккинчи давлатга ўтган фуқаро текширувдан ўтиши шарт. Бундай тадбир икки томонлама муносабатларга пугур етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишда ҳам қўл келди. Масалан, ўтган йили 16 феврал куни Тошкентда портлаш уюштирган террорчилар чегарадан бемалол ўтиб, Қозоғистонда яширинишга уринган. Бунинг учун Қозоғистон томонини айбоб бўладими? Йўқ. Аксинча, қўшни мамлакат махсус хизматлари ходимларига жино

ятчиларни ушлашда катта ёрдам кўрсатгани учун таъшаккур айтиш керак. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор. Чегараларимизда аввалдан қатъий назорат бўлганда, террорчилик чиқи кета олмасди.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон раҳбарининг чегарада назоратни қўйиштириш борасидаги фикрини қўлаб-қувватлади. Энг муҳими, ҳар икки томон учун ҳам зарурат юзасидан қўриладиган бундай тадбирлардан ваҳимали шов-шув ясамаслик, уларнинг негиздан қандайдир сиёсий сабаблар қидирмаслик керак. Давр шуни талаб қиляпти, демак шундай йўл тутиш керак. Қолаверса, чегара масаласи жуда нозик иш бўлиб, бу борада, ҳатто яқдиллиги дунёга намуна сифатида кўрсатиладиган Европа Иттифоқида ҳам мукамалликка эришилмаган. Хабарларга

қўра, мазкур иттифоққа аъзо айрим давлатлар Шенген битимидан чиқишни қўлаб-қувватлади. Бу визасиз борди-келиди бекор қилиш, деган гап. Аслида, ҳамма гап хавфсизлик муаммоларига бориб тақалади. Қўшни Афғонистонда нотинчлик ҳукм сураар экан, аввало шу муаммои ениш устида ҳамкорликда бош қотириш керак. Афғонистонда, ҳалқаро ҳамжамият Афғонистон муаммосига ҳамон жиддий эътибор бермаяпти. Тўғри, Президентимиз ташаббуси билан тузилган «6+2» гуруҳининг фаолияти изчил давом эттириляпти. Унга БМТ Хавфсизлик кенгашининг уч аъзоси - Россия, АҚШ ва Хитой қўшилган. Айни пайтда Франция билан Буюк Британия ҳам унга қўшилиш истагиди. Қабул қилинган Тошкент декларацияси эса БМТнинг ҳужжати мақомини олмақда. Ле-

кин амалда Афғонистондаги икки қарама-қарши кучга ташқи, аниқроғи ўзга мамлакатлардан, ёрдам келишда давом этипти. Йўқса, матбуот анжуманида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов таъкидлаганидек, қурол-яроғ заводига эга бўлмаган, қашшоқ мамлакат замонавий ҳарбий-техника, қурол-аслаҳа ва ўқдорини қардан олади?

Афғонистон аллақачон нарқобизнес ва террорнинг уясига айланиб бўлган. У ерда гаёхандлик ўсимликлари етиштириладиган майдонлар ва уларни қайта ишловчи лабораториялар, қўпуровчилар тайёрлайдиган лагерлар мавжудлиги бутун ҳеч кимга сир эмас. Уша нарқобизнес ва террорчилар дунёнинг исталган мамлакатиди пайдо бўлиши мумкин. Демак, бу хавф фақат Афғонистоннинг қўшниларигагина эмас, бутун дунёга таҳдид солмақда. Унинг олдини олиш учун эса жаҳон ҳамжамияти биргаликда чора-тадбирлар қўриши лозим.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ниҳоятга етди. Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирини, ҳеч иккиланмай, тарихий учрашув, деб аташ мумкин. Зеро, унда имзоланган тўрт томонлама Битим мамлакатларимиз мустаклигини, чегараларимиз дахлсизлигини ва халқларимиз ҳаётининг осудалигини таъминлашга қаратилган жуда муҳим ҳужжатдир. Унинг шу кунгич минтақамизда ташқи хавфга қарши яратилган ягона ва мустаккам фронт ҳамда муғдоффа соҳасидаги иттифоқчилик асоси, деб баҳо олгани бежиз эмас.

Бу тадбирлар бошланғич ташкилотлар, меҳнаткашлар ва маданият муассасаларининг ўзаро таъриба алмашувлари ҳамда соҳа янгиликларидан хабардор бўлишларини таъминламоқда, деди тармоқ вилоят кўмитаси расми Мавжуда Халилова. — Қолаверса, иждоий жамоаларнинг ишчи-хизматчилар ҳузурига таширф буюриши ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир туридир.

Яқинда кўмига Навоий вилояти тармоқ кўмитаси билан ҳамкорликда кимёгарларнинг иждоий учрашуви ташкил этди. Хусусан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ширин» Маданият саройи иждоий жамоалари Чирчиқ ва Олмалик кимёгарлари ҳузурида бўлиб, ўз кенгерт дастурларини намойиш этдилар.

«Меҳмон отангдан улуг» нақлига амал қилган чирчиқлик санъаткорлар ҳам меҳмонларга «Кувнок нотачалар» шоу-дастурини ҳавола этдилар. Иждоий учрашулардан сўнг навоийликлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхат қилдилар.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай «Электромикросанот» ва «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг касаб ва уюшма кўмиталари вакиллари ҳамда Олмалик «Кимёгар» Маданият саройининг бадийи хаваскорлик жамоалари ҳам навоийлик кимёгарлар ҳузурида бўлдилар.

Учрашув нафақат маданият тадбирлар, балки касаб ва уюшма фаолиятларига доир фикр алмашувига ҳам бой бўлди. Хусусан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори ўрин Ҳасанов тадбир катнашчиларини корхона маъмурияти ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида мўлжалланган бир қатор яхши тадбирларимиз бор, насиб қилса уларни рўёбга чиқарамиз.

Чиндан ҳам, корхонада иш яхши йўлга қўйилган. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириши айни мудао: «Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик хомаёши ва кишлоқ хўжалик ресурсларини сифатли қайта ишлаш, ички бозорини истемол товарлари билан тўлдириш, аҳолига хизмат кўрсатишда муҳим ўрин эгаллаши керак».

Демак, Избоскан тумани маиший хизмат ишлаб чиқариш корхонаси давр талабига мос равишда фаолият кўрсатяпти.

Анвар БОБОЕВ (ЎЗА), А. ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ЭЪЗОЗ

Фарғона вилоятида 9 май - Хотира ва қадрлаш кўнига пухта тарадуд қўрилмоқда. Чўнончи, Марғилон, Фарғона, Учкўприк ва Бешариқ туманларида шу кўтлуг кўнга атаб бунёд этилаётган «Хотира» хиёбонларида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан вилоятда истиқомат қилаётган 58 минг 852 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 16 минг 567 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрий, жангоҳларда ҳалок бўлган жангчилар оилалари ҳолидан хабар олинаётди. Ёлғиз қариялар, ёрдамга муҳтож бошқа фахрийларга ҳам меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилмоқда. Шунингдек, вилоятдаги мавжуд 59 та мемориал ёдгорлиқни таъмирлаш, қабристонлар ва муқаддас қадамжоларда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

ҚУРБОНЛАРНИНГ ҚАБРЛАРИ ОБОД

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Богуслав Качински бошлар делегация Кашкадарё вилоятида бўлди.

Сафардан асосий мақсад, - деди элчи ташриф чоғида, - иккинчи жаҳон уруши йилларида вилоятнингизда яшаб, шу ерда вафот этган поляк биродарларимиз қабрларини зиёрат қилиш ва улар хотирасига ҳурмат бажо келтиришдир. Шўролар тузуми даврида кўплай поляклар ҳам Сталин қатғони қурбони бўлган. Улардан юз элликдан ошганининг хоки шу тупроқда - Шахрисабз, Яқкабоғ, Ғузор, Китоб туманларидаги биродарлик қабристонларида дафн этилган. Маҳаллий аҳолининг бу қабрларни ободонлаштириб, зиёрат қилиб тургани бизни мамнун этди.

Республика тендер голиби бўлган корхонада

Избоскан туманида кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти анчайин ривож топди. Бунинг ифодасини халқ хўжалигининг маиший хизмат соҳасида ҳам яққол кўриш мумкин. Туман марказидаги маиший хизмат ишлаб чиқариш корхонасига қадам қўйишингиз билан бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Сифатли таъмирланган, озода бинони кўриб, хавасингиз келадди.

Кўп жойларда бир вақтлар бир хил кўринишда қўрилган маиший хизмат уйларини ночор аҳволда учратардик. Узоқ йиллардан буён таъмирланмаган, томларидан чакка ўтадиган, деворлари шўрлаб кетган биноларга қараб, хайфингиз келарди.

Пойтўғдаги бугунги манзара эса мутлақо бошқача. Қўлиқўлига тегмай ишлаётган чеварлар, сартарошлар, соатсоз, косибу-суратчилар меҳнатидан завқланасиз.

Бир кун туман ҳокими қабулга чақиртириб қолди, - деб хикоя қилади корхона раҳбари Анваржон Усмонов. - Ҳол-аҳвол сўрашгач, газета ҳам ўқиб турасизми, дея савол берди ва стол тортмасидан газетани олиб, менга узатди. Унда мактаб ўқувчиларига Президент соғваси сифатида бериладиган уст-бошлар намуналари учун тендер эълон қилинган эди.

Корхонанингиздаги аҳволни яхши биланам, - деди ҳоким. - Уриниб кўринг, балки яхшигина буюртма олишга эришиб қолармиз.

Шу куннинг эртасигаёқ танловга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Бозордан нақд пулга материал олиб, энг мухтор чеварларимизга қизлар

бериб турадиган бўлди. Корхона эса уни гаровга қўйиб, «Анджонбанк»дан 3 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлди. Чеварлар танлов асосида ишга олиндилар. Махсулот сифати учун жавобгарлик кучайтирилди. Иш ҳажми кун сайин ортиб, сифати яхшиланиб борди.

Шартнома ўз муддатида бажарилди. Муҳими, йил 275 минг соф фойда билан яқунланди.

БАХТЛИ КИШИЛАР

Банк кредити ўз вақтида қайтарилди. Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошган сари уларнинг меҳнатга муносабати яхшилана борди. Йил якунида жамоа аъзолари яна республика тендер — танловда қатнашиб, 1999 йил учун 10 минг дона (19,5 миллион сўмлик) ўсмирлар ва болалар куртқалари учун буюртма олдилар.

Жамоанинг ўтган йилги меҳнатлари янада самарали бўлди. Соф фойда 820 минг сўмини ташкил этди. Корхона бизнеси капитал таъмирланди. Уни иситиш йўлга қўйилди. Аёллар учун дам олиш хонаси барпо этилди.

Ўтган йилнинг декабр ойида корхона жамоаси сурункисига 3-март республика тендери голиби деб топилди, яна 10 мингта (32-46 размерли) куртқа учун шартнома тузилди. Ҳар бир куртқанинг нархи 3496 сўмдан белгиланди.

Айни кунларда неварлар юқоридаги буюртмани сифатли бажариш учун астойдил ишламоқдалар.

Хисоб-китобларга қўра корхонага ҳар бир куртқадан 318

сўмдан фойда қолади. Демак, корхона бу йил фақат давлат буюртмасининг ўзидан 3 миллион 180 минг сўм фойда кўради.

Корхона жамоасининг ютуғи шундан иборатки, 100 нафар чевар доимий равишда буюртмани бажариш билан банд. Улар иш ҳақларини, дивидентларини ва бошқа турдаги тўловларни корхона маъмурияти ва касаб ва уюшма кўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига асосан ўз вақтида олишяпти.

— Бу йилги режаларингиз нималардан иборат, - сўраймиз Анвар акадан.

— Буюртмани бажаришдан қоладиган фойда хисобидан тикув дастгоҳларимизни янгиламоқчимиз, - дейди у. - Йигирмата «Зингер», ўттизта чок машиналари сотиб олмақчимиз. Агар биз шу ниётимизга эришолсак, махсулотимиз сифати янада яхшиланади. «Соғлом авлод йили»да ишловчиларимиз ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида мўлжалланган бир қатор яхши тадбирларимиз бор, насиб қилса уларни рўёбга чиқарамиз.

Чиндан ҳам, корхонада иш яхши йўлга қўйилган. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириши айни мудао: «Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик хомаёши ва кишлоқ хўжалик ресурсларини сифатли қайта ишлаш, ички бозорини истемол товарлари билан тўлдириш, аҳолига хизмат кўрсатишда муҳим ўрин эгаллаши керак».

Демак, Избоскан тумани маиший хизмат ишлаб чиқариш корхонаси давр талабига мос равишда фаолият кўрсатяпти.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА «Ишонч» мухбири

Шукрулло НЕЪМАТОВ.

Санация нима берди?

Жондордаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги анча йиллардан бери оқсаб келарди. Режалар сурункали бажарилмаганлиги хайр-баракани кўтарди. Хўжалик бўйингача қарзга ботди. Нима қилиш керак?! Хукумат қарори билан бултур жамоа санация рўйхати киритилди. Шу тариха иқтисодчи йигит — янги раҳбар Аҳмад Очилов учун ҳам, жамоа мутахассислари аҳли учун ҳам оғир синов даври бошланди.

— Биз зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, етти ўлчаб бир қес, қабилда иш юритишга киришдик. Мухими, санация шунчаки имтиёз эмас, балки жиддий имтихон эканлигини англаб етдик, — дейди А.Очилов.

Икки йиллик синов муддатида қоматни тиклаб олишини ўзи бўлмади. Фақат амалий ҳаракатлар билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Акс ҳолда одамлар ишончи оқланмайди.

ТАХЛИЛ: хўжаликнинг кейинги уч йиллик натижалари куйидагича: 1996 йил 6,7 миллион сўм зарар билан яқунланган бўлса, 1997 йилда бу 13,8 миллион сўмга етди. 1998 йилда кўрилган зарар эса 18,7 миллион сўм.

Бунинг устига ўтган йил ҳолатида жамоанинг дебиторлик қарзи 14 миллион 45 минг сўмни ташкил этган бўлса, кредит қарзлари эса 92 миллион сўмдан ошди.

Кўриниб турибдики, фақат молиявий соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб, унга қатъий амал қилиш йўли билангина танг аҳволни бартараф этиш мумкин.

Хўжаликдаги ортиқча воситалар «ким ошди» йўли билан сотувга қўйилди. Ана шу ҳисобдан тушган маблағ жамоа аъзоларига маош қилиб берилди.

Хўжалик тасарруфидоги бир қатор маданий-маиший бинолар айрим бюджет идораларининг ихтиёрига ўтказилганлиги

хам сарф-харажатларни тежаш имконини берди. Комиссия хулосасига кўра ортиқча ишчи ўринларига барҳам берилди ва улар бошқа соҳаларга жалб этилди. Дехқон-фермер хўжаликларини шакллантиришга эътибор қаратилди.

Ерлар шартнома асосида оилавий пудратчиларга бўлиб

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

омилкорлик туфайли барҳам топди

берилганлиги ҳам айна мудоао бўлди. Хар бир пудратчи сарф-харажатларни қўлидаги чек дафтарчасига қайд қилган ҳолда олиб борди. Натижада дехқоннинг мулкка муносабати ўзгариб, ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Энди дехқон нафақат жамоа, балки оиласи манфаатларини кўзлаб иш юритишга интиладиган бўлди.

ТАХЛИЛ: шу ўринда синов палласининг дастлабки босқичидаги иш яқунларига алоҳида эътибор қаратишни лозим кўрдик. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йил яқунлари «зарафшон»ликлар учун омадли келди. Пиллакор, галлакор, пахтакорнинг қўли пул кўрди. Тадбиркорлик ила қилган меҳнатнинг самараси зое кетмади.

Бир мисол. 1998 йилда жами 737 тонна дон ишлаб чиқарилган бўлса, ўша майдонларидан бултур 1139 тонна ҳосил олинди. Унинг 872 тоннаси давлатга сотилиб, соҳадан олинган даромад 8,6 миллион сўмдан 34 миллион сўмга ошди. Гектарлар самарадорлиги ҳам чакки эмас. 29,5 минг сўмдан 54,3 минг сўмга етди.

Бултур салкам 4 минг тонналик пахта хирмонини тиклаган заршунослар йилни 134 миллион 708 минг сўм даромад билан яқунладилар. Еҳуд

ялли даромад салмоғи олдинги йилга нисбатан қарий икки ҳиссага кўпайди. Бунда йил бўйи далаларда тиним билмай жалвон урган 695 нафар пудрат аъзоларининг самарали меҳнати ётибди.

Хўжаликда бир йилнинг ўзида рентабеллик 9,2 фоизга ўсди. Умумий даромад 187 миллион сўмга етди. Жамоа аъзоларининг ўртача маоши 2,7

минг сўмдан 6,5 минг сўмга, йиллик даромади эса 33,2 минг сўмдан 67,4 минг сўмга етказилганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Йил 17,4 миллион сўмлик соф фойда билан яқунланди.

Фикр-мулоҳазаларимизни пудратчиларнинг муваффақиятлари тимсолида изоҳлашни ўринли деб ўйлаймиз. Ака-ука Олим ва Мансур Жумаевлар дон етиштиришда ўзига хос тажрибага эга. Тадбиркорлар сарф-харажатларини камайтира бориб бултур ялли ҳосилни 60 тоннага оширишни уйдасидан чиқдилар. Махсулотни юқори навларга сотиш, уни сифати ва салмоғини кескин ошириш эвазига пудратчилар катта даромад сохиби бўлишди. Ўз ихтиёридаги дон салмоғи билан қўшиб ҳисобланган даромад 1 миллион сўмдан ошиб кетди.

Еттинчи бригада аъзоси Матлуба Файзиёва 3,4 гектар ерга пахта экиб шартномада кўзда тутилган 13,6 тонна ўрнига 17 тонна ҳосил топириб, юқори натижага эришди. У режадан ошдикча топширган хом ашё учун 67 минг сўм, йил давомида тежамкорликка эришгани учун эса 7 минг сўм қўшимча даромад қилишининг уйдасидан қикди. Ҳосилдорликни гектар бошига 40-45 центнерга етказишни уйдаси-

дан чиққан К.Назаров, О.Олимов, Р.Рўзиев, И.Ражапов сингари пешкада бригадаларнинг аҳил жамоаси энг кўп манфаат кўришди.

— Раҳбар эртаги кун истиқболини кўриб, ишни тубдан яхшилашга ҳаракат қилмоғи зарур. Ушанда уни узоқ вақт соғлаб юришди. Молиявий соғломлаштириш босқичида ўз билими, куч-ғайратини ишга тўла сафарбар этаётган А.Очилов ҳам ана шундайлар сира-сидан, — дейди республика кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг масъул ходими Тоир Эминов биз билан суҳбатда.

Ҳа, шу жоноҳон Ватан, азим юрт равнақини кўзлаб ҳалқ турмушини тубдан яхшилашни мақсад қилиб қўйиб, меҳнатни рағбатлантириш ва моддий фаровонлиқни таъминлаш тамойилларига пухта амал қилган кишиларгагина фақат ана шундай бахт насиб бўлатиши мумкин. Иқтисоди мустақамлибни бораётган жамоанинг бу йилги режалари ҳам чакки эмас. Дон етиштиришни 1264 тоннага етказиш мўлжалланган. Пахталикни янада ривожлантириш жамоанинг бош мақсадларидан бирига айланган.

Айни чоғда пиллакорлар ҳам бўш келмаяптилар. Уларга мавсум арафасида ҳар қутти кўрт уруги ҳисобига 4-5 минг сўмдан аван пули тарқатилди. Жамоа омборидан дон, ўсимлик мойи ажратилди. Бог-роғларни ижарага бериш ва хўжалик тасарруфидо етиштирилган ёғочбоқ материалларни сотиш эвазига иш ҳақидан қарздорлик даярли узилди.

Иқтисодиёт эркинлаштирилиб, барча соҳаларда туб ўзгаришлар қилинапти. Банкдан имтиёзли кредитлар олинди, Тобагар, Дарवेशи, Урганчи кишлоқларида кичик цехлар барпо этилаётди. Фиш заводи ишга туширилди. Шу тариха хўжаликда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш йўллари изланаётди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқи Бош ноизи Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.

САВОЛ: Соғлиқ учун зарарли ишда ишлаб касб касаллигига чалинганман. Шу боис, менга 2-гурух ногиронлиги беришди. Менга тегишли тоvon пулини тайинлашда қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка биноан иш берувчи ходимга меҳнат вазиқасини бажариш билан боғлиқ ҳолда саломатлигига етказилган зарарни тўлаши белгилаб қўйилган. Вазирлар Мақамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазиқаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш Қоидалари»нинг 11-бандида зарарнинг жаборланувчига тўланадиган миқдорини қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилиши кераклиги кўрсатилган бўлиб,

зарарни қоплаш миқдори ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи таркибига (турли кўринишдаги бир йўла тўловлардан ташқари) иш (хизмат), шу жумладан, иш вақтидан ортиқча, байрам ва дам олиш кунларида ҳамда ўриндош сифатида ишлаганлик учун барча тўловлар ҳисобга олинади (фойланилмаган таътил учун компенсациялар, ишдан бўшатишдаги ёрдам пули қабилар бундан мустасно). Вақтинча меҳнатга лаъқатсизлик ҳамда хомилдорлик ва туғиш муносабати билан бериладиган таътил даври учун тўланадиган нафақалар ҳисобга олинади.

Муаллифлик ҳақи ҳам бошқа ишлар учун тўланадиган меҳнат ҳақлари билан бир қаторда ҳисобга олинади. Уқш даврида тўланадиган стипендия (зарарни қоплаш тўғрисида мурожаат қилувчининг хоҳишига кўра) иш ҳақиға тенглаштирилади.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ КУТУБХОНА

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 12-даҳасида янги кутубхона очилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими, педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Икромов ўзининг салкам 40 йил мобайнида тўплаган китобларини рўйхат қилиб, кутубхона ташкил этди ва уни маҳалла ихтиёрига топширди.

Яқинда ана шу воқеага бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

— Ёнз катта бойлигим — шу китоб-журналлар, — деди «Туркистон-пресс» мухбири Ж.Икромов. — Кўпдан

буён кутубхона очиб, уларни ёшлар, шоғирдларим ихтиёрига топширишни ният қилиб юраддим. Ҳозирча бу ерда мингдан ортиқ китоблар, юзга яқин диссертациялар, 300 дан зиёд авторефератлар, турли журналларнинг йиғмажилдлари мавжуд. Кутубхона фонди келажакда янада кенгайди. Чунки бошқа сафдош дўстларим ҳам китоблар ҳада этишмоқчи.

Маросимда сўзга чиққан республика ҳалқ таълими вазири Жўра Йўлдошев профессор Икромов ташаббусини барча зиёвларимиз учун ибрат намунаси деб баҳоледи. Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонаси директори Абдусалом Умаров эса янги очилган зиё масканини мамлакатимизнинг бош кутубхонаси ўз оналигига олаҳагини билдирди.

«МУРОД» ХОРИЖГА ЧИКМОКЧИ

Нурота туманидаги «Мурод» кичик қорхонаси Италиянинг фирмалари билан қўшма қорхона тузиш бўйича ҳужжатларни имзолади. Келишувга биноан қорхонада қиймати 2 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг янги технология ва ускуна ўрнатилди ва туманининг қорвачилик хўжаликларида етиштириляётган қоракўл ҳамда мол терилари қайта ишланиб, турли чарм махсулотлари ишлаб чиқарилади. Қўшма қорхона махсулотини асосан қоржга экспорт қилиш режалаштирилган.

ОРОЛБЎЙИГА ТИББИЙ ЁРДАМ

«Соғлом авлод учун» ҳамфармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» акционерлик кампаняси ташаббуси билан ташкил қилинган махсус поезд шифокорлари Оролбўйи экологик офат зонасидаги аҳолини, биринчи навбатда болаларни тиббий кўриқдан ўткази бошлады. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, аниқ тахис қўйилган беморларга Нукус ва Тошкент касалхоналарига йўлланмалар берилляпти.

«Соғлом авлод» йилида Оролбўйи болалари саломатлигини муҳофаза қилиш учун ёрдамга келган мазкур поезд шифокорлари барча зарур доридармонлар билан тўлиқ таъминланган.

М.АБДУКАРИМОВ, Андижон.

(ЎЗА).

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ НАШРИЁТДА ЎТКАЗИЛДИ

Маданият ходимлари, қасаба уюшмаси Андижон вилоят қўмитасининг навбатдаги раёсат йиғилишида Андижон, Асака шаҳарлари ва Кўргантепа, Шаҳрихон туманлари маданият муассасаларида ишчи-хизматчиларни ихтимойий химоялаш борасидаги ишлар муҳокама қилинди. Раёсат бу йиғилишини «Андижон» нашриётида ўтказди.

Нега энди нашриётда? Гап шундаки, маърузачи Равшаной Жўрабоева (кенгаш раиси) ишчи-хизматчиларни ихтимойий химоялашни қандай ташкил этиш тўғрисида гапирганда, ана шу нашриётни ибрат қилиб кўрсатиши керак эди. «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши», — ўйлади Равшаной ва йиғилиш қатнашчилари булган маданият муассасалари раҳбарлари ҳамда қасабақўм раисларини «Андижон» нашриётини ишчи-хизматчиларнинг қандай ишлаётганлиги, қандай яшаётганлиги билан танишишга тақлиф этди.

Бу ерда ишловчилар маъмурият ва қасабақўм ўртасида тузилган жамоа шартномаси талабларининг моддама-модда бажарилиб келаятигани иш жараёнида кўриб, ҳис қилиб турибдилар. Шу ернинг ўзида даволаш маркази ишламоқда. Ундаги дори-дармонлар ҳам бепул. Қорхона ишчи-хизматчилари орасида уй-жойга муҳтожлар кўп эди. Маъмурият улар учун 2 та кўп

қаватли уй қурдириб берди.

Бу ерда ҳамма қоржомда юради. Улар бепул, боз устига иш кийимлари нашриётга қарашли тикувчилик цехида тикилади. Ишчи меҳнат таътилига чиқадиган бўлса, унга ўз соғлиғини тиклаши, дам олиши учун бир ойлик маоши миқдоридан пул ажратилади. Бундан ташқари, каттагина захирага эга бўлган ўзаро ёрдам фонди ҳам қараб турмайди. Фахрийликка чиқадиган ишчи ёки ходим иш даврида қанча ёрдам пули олганидан қатъий назар, фондга қўшган ўз маблағини тўлиқ олади. Кекса ишчиға бундан бошқа имтиёз ҳам бор: агар у мазкур қорхонада 25 йил ва ундан ортиқ ишлаган бўлса, бир йўла 10 минг сўм, меҳнат даврийлиги бундан озроқ бўлса, қўшимча равишда нақд 5 минг сўм олади.

Жамоа аъзоларига тушар вақт бепул қилиб қўйилган. Улар сут-қатиқ билан мунтазам таъмирланыётди. Қорхона сут-қатиқни четдан сотиб олмайдди, чунки ўзида қорва ферма-

си бор.

Хуллас, раёсат йиғилишига тақлиф этилганлар меҳнатнинг ташкил этилиши, ходимларга яратилган шароитдан катта қониқиш ҳосил қилдилар. Улар қасаба уюшма хонасининг безатилиши, бу ерда қилинган ишларни расмийлаштиришда ҳам ибрат олса арзийдиган тажриба тўплаганлигининг гувоҳи бўлишди. Шундан кейингина ўтказилган раёсат йиғилишида шаҳар ва туманларда ишчи-хизматчиларни ихтимойий химоялаш борасида бир мунча ишлар қилинган эътироф этилиб, камчиликларга қўпроқ тўхтаб ўтилди. Асосий нуқсон шундаки, йил давомида жуда кўп тадбирлар режалаштирилди-ю, уларнинг бир қисми бажарилмай қолиб кетаверади. Бу назорат йўлиги оқибатидир. Жамоа шартномасига тегишли иловалар киритилмаган. Шаҳрихон туман маданият бўлимида касблар бўйича йўриқномалар йўқ, қўлгина меҳнат жомаларида гиғиена, дам олиш хоналари ташкил этилмаган.

Йиғилиш сўнггида шаҳар ва туманларда аҳволни янада яхшилашга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.



Наманган шаҳридаги «Ас-Намтекстиль» масъулияти чекланган ўзбек-турк қўшма қорхонасида асосан трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Қорхонада фаолият юритаётган 526 нафар ишчи-хизматчилар йилига 4140 тонна пахта-ни қайта ишлаб, тайёр калава тайёрлашаётди.

Суратларда: 1. Илгор ишчи Насибхон Худойбердиева. 2. Қорхонанинг умумий кўрinishи.

Б. ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

НАМУНАЛИ ШИЙПОНЛАР

Қаерда меҳнат киши ҳақида гапхўрлик қилинса, унга етарли шарт-шароитлар яратиб берилса, ўша ерда иш сифатли ва самарали бўлади. Шу боис Тўрақўрғон туманида бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун хозирги кунда туманда 146 та дала шийпони мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси тартибга келтирилган.

Айниқса Набиев номи, «Наврўз», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларидоги шийпонларга кишининг ҳаваси келади. Чунки бу ерда телевизор, радио ишлаб турибди. Стол тенниси ва спорт майдончалари мавжуд. Такрорий экинлардан юқори ҳосил олиш ҳисобига дала шийпонларида дехқонлар учун 2 маҳалдан иссиқ овқат ташкил қилинапти. Барча дала шийпонлари яқинидаги ёрдамчи хўжаликда товуқ, қўй боқилляпти. Демакки, тухум ва гўшт ўзларидан чиқяпти.

Т. ЭРХЎЖАЕВ.



Фельетон ўринда

МЕНГЛИҚУЛОВНИНГ «Ы» ОПЕРАЦИЯСИ

Зиёлилар орасида ҳам нафсга ружу қўйганлар борлиги жуда ачинарли. 1999 йилнинг 14 декабрида Сурхондарё вилояти ўрта махсус ва касб-хунар бошқармаси бошлиғи жаноб А.Менглиқуловга нисбатан Ўзбекистон жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисмининг «а» ва «в» бандларига асосан жиноий иш қўзғатилди. Нега? Ўтган йилнинг биринчи чорагида ўқув муассасалари биноларини иситиш

мақсадида 1500 тонна кўмир ажратилган. «Хотамтой» раҳбар 138 тонна кўмирни ёқилғига умуман эҳтиёжи бўлмаган Музрабод ўрта ва кичик бизнес ҳамда Шеробод туманидаги касб-хунар мактабига бепул тарқатиш ҳақида оғзаки буйруқ бериб юборди. Натижада 874,2 минг сўмлик давлат манфаатларига зарар етказди. Бу ноўя ҳаракатлар хамирдан қил суғургандек осонгина кўчганли-

гиданми, А.Менглиқулов босар-тусарини билмай қолди. Қизиги шундаки, Шеробод туманидаги 12-сон касб-хунар мактаби биноси 1993 йилдаёқ ба-тамом газлаштирилган, ҳатто улар кўмир олиш учун буюртма ҳам бермаган эди. Хўш, ундан кейинчи? Бошлиқларининг бундай найрангларидан «сабоқ» чиқарган ҳамкасблари, жойлардаги коллеж ўқитувчилари ўзларича

«хулоса» қилиб, ноқонуний ҳаракатларни авж олдириб юборишди. Ўрта ва кичик бизнес коллежи ходимларидан Кенжа Шоймуратов ва Панжи Ўлжаевлар ҳам чўнтақларини «кўмир» билан иситишининг «роҳати»ни аллақачон ўзлаштириб олганлари тез орада маълум бўлди. Улар содда кишлоқ болаларидан «биз сенларни ўқишга киритдик, четлатиш ҳам қўли миздан келади», деб кўрқитиб, улардан пора

талаб қилиша бошлаган. Масалан, фирибгарлик йўли билан талаба Умид Бобоевдан 50 минг, Санжар Раҳимовдан 75 минг сўм пора олинган. Мўмай денгизига бир «шўнғиб» олган домларлар ўзаро тил бириктириб, Умиджон Бобоевдан ҳам 80 минг сўм талаб қилишган. Лекин... содда кўринган Умиджон вилотат прокуратураси ходимлари хизматидан фойдаланиш-ни яхши билар экан. По-

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.



24 - 30 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 24

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Тахлилнома"
8.40 Лирик концерт
9.10 "Ўзбектеlevision" намойиши: "Хисор кўрхонаси"

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Хабар ичида
9.40 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 17.25 Кўрсатувлар дастури
17.30 "Эхтиром ила..."
18.00, 21.00, 22.30, 23.35 "Пойтахт"

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

СЕШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

- 8.35 Марказий газеталар шарҳи
8.50 "Баҳор тароналари". Мусликий дастури
9.20 "Жаҳон кинои қудузи"
9.40 "Баркамол авлод орачуи"

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Ахборот дастури
9.15 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 7.50 "Соғлом бўлай десангиз"
8.00 Телегазета "Экспресс"
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Сиртки телевизион олимпиада
10.20 "Талаб ва тақдир"
10.30 Кундузги севас: "Шайтонвачча"

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Ахборот дастури
9.15 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 7.50 "Соғлом бўлай десангиз"
8.00 Телегазета "Экспресс"
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

ПАЙШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Ахборот дастури
9.15 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 7.50 "Соғлом бўлай десангиз"
8.00 Телегазета "Экспресс"
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

ЖУМА, 28

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Ахборот дастури
9.15 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 7.50 "Соғлом бўлай десангиз"
8.00 Телегазета "Экспресс"
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

ШАНБА, 29

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Ахборот дастури
9.15 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 7.50 "Соғлом бўлай десангиз"
8.00 Телегазета "Экспресс"
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

ЯКШАНБА, 30

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур

Ёшлар телеканал

- 8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 "Давр". Ахборот дастури
9.15 "Ёшлар телеканалда спорт: Теннис"

Тошкент телеканал

- 7.50 "Соғлом бўлай десангиз"
8.00 Телегазета "Экспресс"
8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви (рус тилида)

«Халқаро» телеканал

- 14.55 Кўрсатувлар тартиби
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ
17.00 "Мульчархпалак"

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"
8.35 Марказий газеталар шарҳи

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканал

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот"

«ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛСИН УЙЛАРИМ»...

Баходир Собит билан биринчи марта раҳматли Анвар Эшоннинг даврасида кўришиб танишганман. Шу-шу гапимиз-гапимизга қовушиб қолдик. Сухбатдош бўлдик. Битикларини ўзи ўқиб берди. Китоблари орқали ўзим ўқидим. Гурунглирдан, ёзувларидан олган таассуротларим, кўнглимда пайдо бўлган тасаввурим шундай бўлди. Баходир Собит элнинг одами. Кўнглида ўзи туғилиб ўсган тупроқнинг, вояга етказган элнинг қадри мўжассам. Ана шу қадрни айтишга ҳаракат қилади. Ёзувларининг маъзига шу қадрни синг-

диришга интилади. Жўяли ниёт, жўяли мурод билан фикрини изҳор этади. Баходир Собит турбатлик. Раҳматли Туроб Тўланинг хотирасига бағишланган шеърида устозига бўлган меҳрини, хурматини ифодалар экан, шундай сатрларни ёзади. **Гўё Турбатга шеър битганча мудом, Нигоҳи кузатиб турибди бизни.** Ижодкор қачонки, ён-атрофини сезса, яқинини аңгласа, тупроғининг ҳикмати билса, шундагина ўзига ёвуқ келади. Аниқроғи ўзини танийди. Баходир Собит битикла-


рида қурбатиға яраша шундай сифатлар ифодаланади. Ижодкор Турбат ва турбатликлар тўғрисида ёзади. Қалбига ўрнашган одамлар ҳақида имкони қадар самимий сўз айтади. Бундай ҳикоят китобларининг номидан ҳам аён. «Турбат тароналари», «Турбатликларим» дея китобларига ном қўйганида, моҳиятини қадрдан излагани аниқ. **Кечанинг, бугуннинг, оғиз ақлимнинг Қўрғони, умиди — қоя дийёрсан.** Бу сатрлар ижодкорнинг Турбат ҳақидаги дил сўзлари. Ижодкорнинг «Битмас

жароҳат» достони қалб яраси, қалб армони хусусида. Баходир Собит дилкаш одам. Ижодкорлар орасида дўстлари кўп. Унинг фазилати дўстларини кўргиси келишида, уларнинг гурунглирига талпинишида. Бундай кўришуларда дилнинг қадр дейилмиш самимияти пайдо бўлади. Сўзимнинг аввалида, Баходир Собит элнинг одами деган иборани келтирган эдим. Сўзимнинг ниҳоясини ижодкорга узук умр, сиҳат-саломатлик, ижодий барака тилаган ҳолда, ўзининг сатри билан яқунлайман: Эл дардига малҳам бўлсин уйларим... **Иқром ОТАМУРОД.**




ИЙМОНИМ БУТУН

Мужассам орзулар абад ҳамроҳим, Тушовсиз ҳисларим мен билан бирга.
Ҳаракат — кўёшим, интилиш — моҳим, Фаний умр жоми тўладир сирга.
Умр қарвонлари кезар оламни, Беадад тўсиқлар бўлиши шаксиз. Кўшиққа бурқугум юрак, наърамни, Дунё белоендир, у тубсиз, тагсиз.




Киноот беҳаддир, забт этиш мушкул, Унинг хижаси бор — Яратган эгам! Бу олам бахтига етишчун буткул, Иймониингга эга бўлгил, эй одам!

БАҲОР



Дилбар, саҳий кўёш жилвасин бошлаб, Лоҳувард осмонинг кўзини ёшлаб, Бор шовир зотиға илҳом бағишлаб, Она Турбатимга хуш келдинг, баҳор!

Дов дарахтларга кийгазиб либос, Булбул нолаасидай ажойиб бир роз, Бахш этиб дилларга жўшқин эҳтирос, Она Турбатимга хуш келдинг, баҳор!



Дарахтлар шоҳига оқ маржон қадаб, Булоқнинг лабиди бойчечак садаф, Яшашнинг кўшигин инсонга атаб, Она Турбатимга хуш келдинг, баҳор!

Ошиқ-маъшукларга табассум қилиб, Дехонга меҳнатнинг туморин илиб, Чавандоздай тулпор тизгинин олиб, Она Турбатимга хуш келдинг, баҳор!

Она замин узра тонгинг балқизи, Сенга кўшиғидан майса қалқизи, Уйғониш субҳи бу юрак олқизи, Она Турбатимга хуш келдинг, баҳор!

Қуш каби уйқучан диллардан қочиб, Сөр кут баракангини заминга сочиб, Саҳий юрагинини халқинга очиб, Она Турбатимга хуш келдинг, баҳор!

БАҲОДИР СОБИТ.

АФСОНАВИЙ ПОЛВОН ИЗДОШЛАРИ МАЙДОНДА

24-26 апрел кунлари Нукусдаги «Спартак» ўйингоҳида афсонавий Сапалак полвон хотирасига бағишланган ўзбек кураши бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда 1977-1982 йилда туғилган Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан келган полвонлар 5 вазн тоифасида ҳамда мутлоқ вазн бўйича беллашдилар.

— 1930-1960 йиллар орасида Сапалак полвон Шомуродов ун икки карра Ўзбекистон ҳамда бир неча бор Марказий Осиёнинг мутлоқ чемпиони номига сазовор бўлганлиги билан машҳур, - деди Қорақалпоғистон Республикаси Кураш Федерацияси Президенти Бахтиёр

Кўчқоров «Туркистон-пресс» мухбири билан сўхбатда. - У Туркменистонга боради. Туркменистонлик бадавлат бир кишининг кураги ер кўрмаган паҳлавон кизи шарт қўяди. Шартга кўра, қиз Сапалак полвондан мағлуб бўлса, унга тан маҳрамликка рози бўлиши лозим эди. Сапалак полвон маҳорат бобида устун келиб, қизни юлдуз санатган. Шундан сўнг ҳаёти хавф остидалигини сезган Алпкелбат йигит ўз уйи томон отлангани ҳамда унинг паҳлавонликда тенгсизлиги ҳақида эл орасида хали-хануз ривоятлар юради. Бўлгуси илк халқаро мусобақадан кўзлаган мақсадимиз «Хотира ва қадрлаш» кўни арафасида энгилмас полвонларимизни кураш майдонида ёд этиш, ўзбек курашининг Қорақалпоғистонда ҳам ривожини жадаллаштириш, халқ орасида тарғиб ва ташвиқот қилиш, унинг оммавийлигини таъминлашдан иборат. Қолаверса, бу билан МДХ ўрта-сида спорт соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида салмоқли қадам қўйган бўламиз. Халқаро мусобақанинг мутлоқ вазндаги голибини соврин - «ВАЗ-2106» автомобили бўлди. Навбатдаги вазнлар бўйича голиблар ҳам қимматбаҳо совринлар соҳиби бўлишади. **«Туркистон-пресс».**



МАРКАЛАР ЧИҚҚУНГА ҚАДАР

Бундан 365 йил муқаддам инглиз қирол Карл I ўз хазинасини бойитиш ниятида кенг халқ оммаси учун хатларни элтиб бериш хизматини жорий этди. Шу тариқа қироллик почтаси дунёга келди. Ушандан буён ўтган вақт мобайнида бу мамлакатда почта хизматидан фойда ортириш истаги сўнганича йўқ. Ҳозирги кунда мамлакат почта ва телеграф бошқармаси ҳукуматга йилига 60 миллион фунт стерлинг миқдорда даромад келтиради. Дастлабки марка чикқунга қадар, қироллик молия бошқармаси тубдан янги ча тўлов тизимини — ягона «пеннипорто»ни жорий этишга киришди. Бу тизим қоидаларига кўра, Британия ороларининг қайси манзилига етказилишидан қатъий назар, айрим оғирликдаги хатлар учун бир пенс (фунт-стерлингнинг 240 дан бирига тенг чақа пул) ҳақи белгилаб қўйилди. Аввалги тартибга кўра, хатларни элтиб беришдан уларнинг саҳифаси ва манзилигача бўлган масофа ҳисобга олинар эди. Шу боис хатлар букланиб, сургучлаб қўйилардики, почта ходимлари унинг четига қараб, неча саҳифа эканлигини санаб чиқишлари мумкин бўларди. 1890 йили «Қорاپени» («Қора чақа») маркиси муомалага чиқарилди. У дунёда биринчи почта маркиси ҳисобланади. **А.АЛИЕВ.**

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

КҮЙ (22 март - 21 апрел) Ҳафта кутилмаган воқеаларга бой бўлади. Айримлар дабудрустан иш жойини ўзгартиришга киришадилар. Бошқалар кутилмаганда лавозим поғонасига кўтарилиши мумкин. Яна баъзиларнинг эса етти улаб тушига кирмаган манбадан даромад олиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қандай бўлмасин, ноқонуний йўлдан юрманг.

БУЗОҚ (22 апрел - 21 май) Сиз бошлаган иш натижа бериши кўзга ташланавергач, бақовуллар кўпайиб қолади. Шу аснода айрим ҳамкасбларингиз билан орангизга совуқлик тушиши кутилмоқда. Бундай ҳолатда раҳбарингиз ҳам била туриб сизни кўлламайди. Бошлигингиз сизга зид бўлганлар томонида туриши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22 май - 21 июн) Сиз ҳақингизда тарқалган нотўғри маълумот ҳафта давомида асабларингизни таранг қилади. Кези келганда қўшоқонликдан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас. Аммо ақшанба бундан мустасно. Негаки, дам олиш куниди яқин-йироқдан келадиган меҳмонлар кўнглингиздаги губорни тарқатиб юборишади.

КИСКИЧБАҚА (22 июн - 21 июл) Кўнглингизга гулгулла солиб юрган масалалар ҳафта бошидаёқ барҳам топади. Энди бирмунча энгил нафас оласиз. Бунинг устига моддий жиҳатдан ҳам қоматингизни анча ростлаб оласиз. Буларнинг барчаси сизга руҳий бардамлик бағишлайди. Саломатлигингиз ҳам ўз-ўзидан яхшиланиб кетади.

АРСЛОН (22 июл - 21 август) Моддий масалалар бирмунча эсанкиратиши эҳтимоли йўқ эмас. Бироқ солиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан боғлиқ ишларингизнинг калаваси очилиб қолади. Жуда мураккаб масалаларни воситачилар ёрдамида ечишга уринманг. Қанчалик оғир бўлмасин, қатъият билан ўзингиз киришинг.

СУНБУЛА (22 август - 21 сентябр) Аксарият «Сунбула»ларнинг хизмат пиллапоясидан юқорига қараб силжишлари учун имконият туғиладиган ҳафта. Бу бировларнинг кўмаги асосида юзага чиқади. Бировнинг ҳомийлигини хоҳламаганлар эса қуруқ қоладилар. Шу йўл билан лавозимдор бўлганлар эса узок вақт мутелик ҳолига тушишлари эҳтимоли бор.

ТАРОЗИ (22 сентябр - 21 октябр) Узок муддатни кўзлаб қилаётган ҳаракатингизга алоҳида эътибор билан қарамасдан кўнглингизни иккинчи даражада ишларга сарфламанг. Мақсадингизга эришишингиз эҳтимоли бор. Кўнглингизга ўта зарур бўлиб кўринаётган бошқа юмушлардан имкон топиб кўнгли узганингиз маъқул.

ЧАЁН (22 октябр - 20 ноябр) Катта жанжал кўтариб, Сизни обрўсизлангирмоқчи бўлганлар бироз ховурларидан тушадилар. Бунинг эвазига эса бирор манфаат кўзлашлари мумкин. Кўнглингиз оёйишта ўтишини истасангиз, шартга кўнглингиз. Акс ҳолда моддий жиҳатдан ютавасиз. Буни эсга олганда, маънавий томондан ҳам азият чекасиз.

ЕЙ (21 ноябр - 20 декабр) Фойда ё зарарингизни билмай ҳаракат қиласиз. Бировларнинг гамини ёб, ўзингизни «гўлликка» солишингиз эҳтимоли бор. Бу хусусда жиддий ўйлаб кўринг. Негаки, ҳаракатингиз билан ўз оёғингизга ўзингиз болта урмоқчисиз. Оқибатда қаттиқ афсусланасиз.

ЭЧКИ (21 декабр - 20 январ) Ўзингизни бировларга кўз-кўз қиласиз. Ҳамённингизда мири бўлмасида, хотамтойлик кўрсатишга уриниш сингари хатти-ҳаракат ва кайфият сизга пача беради. Шу боис ҳар бир ишга қўл уришдан, бировга ваъда беришдан олдин ҳиссиётга берилманг. Ана шунга ишонч ҳосил қилинг.

ҚОВГА (21 январ - 19 феврал) Бировларга билдирмай қилинадиган ишлар омадди бўлади. Шунинг ҳам унутмангки, бу юмушлар фақат ҳақиқат йўлида бошқаларга зиён етказмайдиган тахлитда амалга оширилсагина айтганимиз келиши мумкин. Акс ҳолда ўзингиз қазиган қудуққа ўзингиз тушишингиз ҳеч гап эмас.

БАЛИК (20 феврал - 21 март) Моддий масалада сизни лақиллатишга уринадилар. Шу йўл билан қармоқларига илинишингиз мумкин. Бу ҳақда билиб олишга ҳаракат қилишлари эҳтимоли йўқ эмас. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Қўшини ўғри тутманг. Чунки сизни синамоқчи бўлганлар бир четда қолиб, дўстларингиз билан алоқангиз узилиши мумкин.



Халқ маънавияти, маърифати билан кучлидир. Миллий дастуримизнинг бош мақсади ҳам ёшлар маънавиятини ошириш, эркин фикрли, билимдон авлодни тарбиялашдан иборатдир. Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 153-мактабнинг 45 нафар ўқитувчилари турли фанлардан ёшларга сабоқ бериш билан бирга юқоридаги жиҳатларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Мактаб директори Фотимахон Содиқова, иқтидорли ўқитувчилар Барноҳон Зайнутдинова, Наталья Михайловна Загедуллина, Покирова Елена Николаевна, Наргизахон Абдуразоқоваларнинг ташаббуси билан яқинда мактабда очик эшиклар кўни ўтказилди. Унда туман халқ таълими бўлимидан мутахассислар иштирок этиб, соғлом авлод қамоли йўлида билим даргоҳида олиб борилаётган амалий тадбирларга юқори баҳо бердилар.

Суратларда: мактабнинг жўшқин ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

«СПОРТ МОЛЛАРИ» ОЧИК ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлар умумий мажлиси 1999 йил якунлари бўйича 19 май 2000 йил соат 14.00 да Тошкент шаҳар, Шохсанам - 85, ОАЖ «Спорт моллари» мажлиср залида ўтказилади. Барча саволлар бўйича қўйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: **700091, Тошкент, Шохсанам кўчаси, 85, Тел. 98-35-92, 98-37-86.**

ОТАЖ «Спорт молларининг» 1999 якуний йил бўйича мувозанати (баланси)

ТАРМОҚЛАР	АКТИВ	ПАССИВ
Низом маблағи		32617
Қўшимча маблағ		6941
Захира фонди		2370
Мақсадли маблағ билан таъминлаш		12347
Бўлинмас даромад		316
Асосий ва бошқа айланма маблағлар	13623	
Захира ва харажатлар	33720	
Дитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	8724	7462
Пул маблағлари	10455	
Қилинажак харажатлар ва тўловлар захираси		4469
66522	66522	

Ўқувчилар СПАРТАКИАДАСИ

Навоийда ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари ўқувчиларининг биринчи Республика спартакиадаси якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 14 жамоа иштирок этди. Қизгин курашлар остида ўтган мусобақада Андижон вилояти ёшлари биринчи, фарғоналиклар иккинчи, Наманган вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Қилмиш-қидирмиш

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлмангу, лекин бу айни ҳақиқат. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи Мўмин Шаропов Самарқанд шахрининг Сиеб дехқон бозоридида ўзича «кашф» қилган антиқа мурчи пулламоқчи бўлди. Яхшиямки, сезгир ва чаққон мутасаддилар бунинг олдини ўз вақтида олишди. Натижада Мўмин Шароповнинг бозори ҳам «кашфиёти» ҳам қасодга учради. Биз бозор ветеринария лабораторияси мудири Аббос Миртазовдан бу антиқа мурч тўғрисида сўраганимизда, у шундай деди: —Лаборатория кўриги натижалари шуни кўрсатдики, бу мурч таркибида қуйирилган ун келаги, лавлаги уруғининг майдалангани ва чинни қуқун борлиги аниқланди. У махсус қоғоз халтачаларга қадоклаб жойланган. Энди ўзингиз ўйланг, уни истеъмол қилиш соғлиққа қанчалик зиён... Ароқ ва шампан каби спиртли ичимликлар сотиш билан машғул шахслар орасида ҳам фирромлар бор экан. Улар шишаларнинг қопқоқлари, этикеткаларини «қўлбола» қилиб сотаётганларида қолқонга тушиб қолганларини билмай қолишади. Яқинда Сиеб бозоридида бир гуруҳ товламачилар «зелёнка» дориси билан ранг берилган катта миқдордаги музқаймоқни сотмоқчи бўлганлар. Уларнинг ҳам илдиэига болта урилди. Ҳадича Норова ҳамда Юсуф Насимов биргаликда тайёрлаб сотаётган ҳовла ширинлиги ҳам лаборатория текширувидан ўтказилганда, неъматни тайёрлаш жараёнида синтетик-сунъий ранглардан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Рисиқа Қурбонова, Раъно Рафиқова, Маҳбуба Самадова каби сохта тадбиркорлар эса зелёнка ва сунъий бўёқлар билан ранг берилган хўрозқанд сотаётганларида фош этилдилар.

М. Ҳайитова. «Ишонч» мухбири.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерлари терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аади 14.002 нуска. Сотула эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишда 22.15

Буюртма Г— 294. 1 2 3 4 5 6